

***Тил дарсларида интерфаол усуллардан  
Фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари.***

Одилова С.А. ф.ф.н  
СамИСИ доценти.

Аннотация: Мазкур мақолада тил дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш йўллари, уларнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташланади. Дарс мавзусидан келиб чиққан ҳолда интерфаол усулларнинг қайси туридан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар , дарсни режалаштириш, интерфаол усуллар, муҳакама, рақобатбардош танқидий фикрлай оладиган ҳамкорлик.

Аннотация: В данной статье идет речь о применении интерактивных методов обучения ,об истории их появления и о принципах выбора этих методов исходя из специфики темы.

Ключевые слова: планирование урока, интерактивные методы обсуждения, конкурентоспособность, критическое мышление, сотрудничество.

Annotation: This article deals with the use of interactive teaching methods on the history of their appearance and on the principles of vibration of these methods based on the specifics of the topic.

Key words: lesson planning, interactive methods ,competitive discussion ,critical thinking cooperation.

Ўзбекистон Респулкасининг “Таълим тўғрисида”ги “Кадрлар тайерлаш миллий дастури “олий ўқув юртлари олдига қўйган талаблари қуйидагилардир: олий таълим муассасини битирган мутахассислар ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб шаклланиши; иккинчидан, ўз соҳасини яхши биладиган эркин ва танқидий фикрлай оладиган, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган мутахассислар тайёрлашдир.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш аввало дарс жараёнидан бошланади. Дарс у ёки бу масалани тўғри мантикий изчилликда аниқ изоҳлаб бериш бўлиб, олимларнинг таъкидлашларича, дарс олиб боровчи ўқитувчининг барча бойлиги унинг онги, иродаси, туйғуси, билими, тажрибаси ва эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлади, дарс эса ана шундай жонли мулоқотнинг самарали шаклидир .

Тил дарсларини режалаштиришда ўтилалаётган мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда турли усуллар фаол, нофаол ва интерфаол усулларда фойдаланишмаса дарслари асосан амалий машғулотлардан иборат бўлгани ўқитувчилар дарсни бошидан бир хил методда олиб бориш мумкин эмас. Дарсда тилнинг айрим қонуниятлари ўқитувчилар томонидан тушунтирилса

хам, лекин кўп қисми талабаларнинг фаол иштирокисиз зерикарли бўлиб қолади. Шунинг учун интерфаол усуллар тил дарсларида куплаб қулланиб келади. Энди интерактив методлар нима? Улар қаерда нима сабабдан келиб чиқган деган саволларга жавоб беришда олимларнинг анъанавий ўқитиш усуллари ва интерактив методларни қиёслаб, ўрганиб чиқиб, келтирган далилларга бир назар ташласак, агар биз укиш жараенини пирамида деб олсак ўқитганимизни 10%, эшитганимизни 20%, кўрганимизни 30%, кўриб ҳамда эшитганимизнинг 50%, гапириб берсак 70% узимиз иштирок этсак 90% эслаб қолар эканмиз. Уларнинг фикри буйича ўқитиш усули актив ва интерактив усуллар билан олиб борилар экан. Шунинг учун интерактив ўқитиш методикаси энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Энди бир неча интерактив ўқитиш турлари ўқитиш турлари ҳақида гапириб ўтамиз. Бу соҳада мактаб яратган олимлар Беспалько, Талызин, Давыдов ва бошқалар интерактив ўқитиш усулларида кўпини кўрсатиб ўтган. Биз асосан, тренинглар ақлий ҳужум, музёрашлар, музокара кескин фикрлаш, тақдирот, турли уйинлар ва бошқаларининг келиб чиқиш тарихи ва қандай аудитория, неча кишилиқ гуруҳда қўлланилиши мумкинлигини ўрганиб чиқдик. Интерактив метод турларидан қайсилари амалий машғулотларда қўллаш мумкин эканлиги ҳақида мулоҳазамаизни изҳор этишга ҳаракат қилдик. Озрок тарихга назар ташлар эканмиз интерактив ўқитиш усуллардан айримлари шарқона ўқитиш усулларида ҳам мавжуд бўлганлигини аниқладик. Масалан, академик Ботир Валихужаев узининг «Мадрасалар тарихи» асарида ўқитиш жараёнида мунозара, муҳошида, таҳлил, савол – жавоб, илмий мушоҳада ўқитиш усуллари мавжуд бўлганлиги ҳақида Абу Райхон Беруний, Ал – Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Умар Хайёмнинг билиш ҳақидаги илмий асарларида эслатиб ўтилганлиги ҳақида хабар беради. Мадрасалардаги ана шундай ўқитиш усуллари балки бизнинг дунёга машҳур бобоқалонларимиз Ал-Фаробий, Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизни шаклланиши муҳим рол ўйнаган бўлса ажаб эмас. Европада интерфаол усулларнинг пайдо бўлишига ва бу усуллар ҳақида сўз бошланганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Интерфаол усуллар ичида энг кенг тарқалгани тренинг (гуруҳли тренинг) бўлиб, у асосан йирик корхоналар, компаниялар томонидан тузилган проектлари халқ оммаси муҳокамасидан ўтказиш, уларнинг фикр ва мулоҳозаларининг ўрганиш ва эътиборга лойиқ ғояларни проектга киритишдир. Гуруҳли тренинг ўқитиш шакли сифатида ўзининг ярим асрдан ортиқроқ тарихга эга. Биринчи тренинг гуруҳи 1936 йилда қутилмаганда юзага келган. Америкалик машҳур социолог ва психолог олим Курт Левин номи билан боғлиқ. Ўша йилларда Америка ҳукумати томонидан «ишга ёллаш ҳақида қонун» проекти чиқарилган эди. Унинг мақсади бизнесменлар ва қасаба уюшмаси йўл бошловчиларга шу қонунни такомиллаштиришда ёрдам қўришидан иборат эди. Шу лойҳа

доирасида олимлар фуқаролар орасидан танлаб олишган махсус гуруҳлар билан машғулотлар ўтказиш бошладилар. Кечқурунлари фуқаролардан ташкил қилинган гуруҳлардан олинган натижалар жамланиб олимлар томонидан муҳокама ва таҳлил қилинарди. Шундай кечалардан бирида фуқаролардан тuzилган гуруҳ кечқурун қолиб, муҳокамада иштирок этишга истак билдирди. Шунда маълум бўлдики, олимларнинг кузатишлари билан оддий халқнинг идрок этиши ҳар доим ҳам мос келмаст экан. Бундай учрашувлар муайян тус олди ва ўқитишнинг самарали усулига айланди. 1937 йилда МЭН штатидаги Ботем шаҳрида тренинг лабораториясининг яратилишига сабаб бўлди ва ўқитишнинг самарали усули сифатида урганила бошлади. Тренинг гуруҳи ишининг самарадорлиги кўпинча тренинг жараёнида фойдаланиладиган услубларни танлаб олишга боғлиқдир. Ҳар бир иштирокчининг бошқаларидан афзал кўрадиган ўзи яхши билладиган ва муваффақиятли куллай оладиган уз услуби булади. Қатъий қарорга келишда ҳар доим ўқитишнинг охириги мақсади, аудитория ва материалнинг ўзига хослиги, тренингнинг умумий структураси ва бошқа факторлар назарда тутилиши зарур.

Кейинги масала янги педагогик технологиялар, бўлиб, янги педагогик технология нима деган саволга турли олимлар қарашлари урганиб чиқилиб ҳозирча бу тушунчага аниқ таъриф берилмаганини ва ҳозирги кунда ҳам бу соҳага икки хил қараш мавжудлигининг гувоҳи бўлди.

Биринчи гуруҳ олимлар Шепель, Волков, Манаков ва бошқалар бу техник воситалар ва унинг ўқитишда қўллаш ҳақида фан десалар;

Иккинчи гуруҳ олимлар Селевко, Кларин, Заньковлар бу ўқиш жараёнини лойхалаштирилган ҳолда амалга ошириш деб тушунтирадилар. Биз ҳамма қарашларни урганиб чиқиб «Педагогик технология» - бу натижани кулга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини ривожлантириш ва тадбиқ этишдир деган хулосага келдик. Ўқитишни маълум лойиха асосида янги замонавий техника воситалар ва ахборотлар технологиясидан фойдаланилган ҳолда олиб бориш усулини куллаш афзаллигини кўрсатдик. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги , «Кадрлар таёрлаш миллий дастури» Қонунларига биноан ҳозирги кунда дарсларнинг таълим сифатини ошириш, рақобатбардош кадрлар таёрлашдаги роли ва аҳамияти ортиб бораётганлигига алоҳида аҳамият бериш зарур. Ўқитишнинг сифатини ошириш мақсадида асосий эътиборни профессор – ўқитувчиларни тегишли фан ва техника ва технологияларни соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликларни ўрганишга ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда дарсга таёрлик кўриш ва шу тариқа таълим сифатини оширишга қаратилган.

Хулоса шундан иборатки:

1. Замон талабига жавоб берадиган, рақобатбардош кадрларни таёрлаш учун танқидий фикрлай оладиган мутахассисларни тайёрлаш керак.
2. Дарс режасини қўйилган талаб даражасида тузилган бўлиб, намунавий ва ишчи дастурга мос келиши, шу мавзунини чет эл ва бошқа давлат олимлари томонидан қандай юритилганлиги ўрганиб чиқилиши, ахборот технологиялардан фойдаланиши ва адабиётлар рўйхати берилиши керак.
3. Интерактив методларни танлаб олишда гуруҳнинг хажми ва савияси, талабаларнинг эътиборга олинishi керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии, Москва 1989г.

Талызина Н. Ф. Усвоение научных понятий в школе. Москва 1999г.

Давыдов В. В. Научное обеспечение образования в свете нового педагогического мышления // Новое педагогическое мышление. Москва, 1989г.

[www.nsportal.ru](http://www.nsportal.ru) Интерактивные технологии и методы обучения на уроке русского языка.

<https://urok.1sept.ru/> Использование интерактивных методов обучения на занятиях русского языка и литературы.